



БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Мирзаев Анвар Сатторалиевич

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21870506>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 06-avgust 2026 yil

Ma'qullandi: 08-avgust 2026 yil

Nashr qilindi: 10-avgust 2026 yil

KEYWORDS

коррупция, коррупцияга оид жиноятлар, бошқарув тартиби, жиноий жавобгарлик, давлат бошқаруви, мансабдор шахс, пора олиш, пора бериш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, жиноят таркиби.

ABSTRACT

Мазкур мақолада бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарликнинг ҳуқуқий асослари, мазкур турдаги жиноятларнинг юридик тавсифи, уларнинг таркиб белгилари ҳамда квалификация қилишнинг айрим муаммолари таҳлил қилинган. Шунингдек, бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгилловчи миллий қонунчилик нормалари ва халқаро ҳуқуқий стандартлар ўзаро қиёсий таҳлил қилинган. Амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва улар учун жавобгарликни самарали қўллашга қаратилган илмий-назарий ҳамда амалий таклифлар илгари сурилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг 18-моддасида «Ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш» ва 19-моддасида «Хизмат лавозимининг суиистеъмол қилиниши» коррупцияга оид жиноят сифатида белгиланган.

Жумладан, 18-модда. "Ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш.

Ҳар бир иштирокчи давлат қўйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда бунининг жиноий жавобгарликка тортилади ган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади:

а) оммавий мансабдор шахсга ёки исталган бошқа шахсга шахсан ёки воситачилар орқали иштирокчи давлатнинг маъмурияти ёки оммавий органидан ушбу ҳаракатларнинг биринчи ташаббускори ёки исталган бошқа шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган нуфузини суиистеъмол қилиши эвазига бирон ноқонуний афзалликларни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш;

б) оммавий мансабдор шахс томонидан ёки воситачилар орқали оммавий мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс иштирокчи давлат нинг маъмурияти ёки оммавий органидан шахсан ўзи ёки бошқа шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни

олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган нуфузини суиистеъмол қилиши учун бирон ноқонуний афзалликларни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш”¹.

“19-модда. Хизмат лавозимининг суиистеъмол қилиниши

Ҳар бир иштирокчи давлат хизмат ваколатларидан фойдаланишни ёки хизмат лавозимини суиистеъмол қилишни, яъни оммавий мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида қонун га хилоф равишда шахсан ўзи ёки бошқа юридик ёхуд жисмоний шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни олиш мақсадида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслигини, қачонки улар атайин содир этилганда, бунинг жиноий жавобгарликка тортилади ган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.”²

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-модда (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш), 206-модда (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш), 208-модда (Ҳокимият ҳаракатсизлиги) ва 209-модда (Мансаб сохтакорлиги)ларида шундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Хусусан: Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-м.). Ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишнинг ижтимоий хавфлилиги, мансабдор шахс ўз ҳуқуқ ёки ваколатидан қасддан фойдаланиб фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат, жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказишида намоён бўлади.

Мазкур жиноятнинг асосий бевосита объекти давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият юритишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ҳокимиятни ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш бевосита давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан қасддан фойдаланиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишида ифодаланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кўрилатган жиноятнинг объектив томони қуйидаги учта зарурий белгини қамраб олади:

а) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиши;

б) бунинг натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши;

в) мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ва етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғлиқликнинг мавжудлиги.

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси Электрон манба <https://lex.uz/docs/1461329>

² Ўша манба

Мансаб ваколатларининг доираси муайян мансабни эгаллаб турган шахснинг хизмат фаолиятини тартибга солувчи, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи низом, йўриқнома ёки бошқа норматив ҳужжатда белгилаб қўйилган бўлади.

Мансаб ваколатларидан фойдаланиш, мансабдор шахс мансаб ваколатлари доирасида хизматга тааллуқли у ёки бу қилмишларни содир этишини англатади. Мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш шуниси билан хавфлики, жиноий қилмиш мансабдор шахс томонидан бевосита хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида содир этилади.

Мансабдор шахс томонидан ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиш хизмат манфаатларига зид тарзда амалга оширилади. Хизмат манфаатлари деганда, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг мақсад ва вазифаларини ифодаловчи манфаатлар тушунилади.

Мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш деганда, мансабдор шахснинг ўзи эгаллаб турган мансаб лавозими ваколатларига кирувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ, бироқ ўз мазмунига кўра эгаллаб турган лавозимининг мақсад ва вазифаларига, шунингдек у фаолият юритаётган тегишли орган фаолиятининг мақсад ва вазифаларига зид келувчи ҳаракатлари тушунилади.

Мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг жиноийлиги унинг оқибатига кўра аниқланади. Жиноят кодексининг 205-моддасида оқибат сифатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши белгиланган.

«Кўп миқдордаги зарар» деганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар тушунилади.

«Жиддий зиён» – бу баҳоланадиган тушунча. Шу боис уни расмий миқдорий кўрсаткичларда ифодалаш мушкул ва у фақат моддий зиёндан иборат деб қаралмаслиги лозим. Айни пайтда аксарият ҳолларда мансабни суиистеъмол қилишнинг оқибати – мулкӣй зиён етказиш бўлиб, уни аниқлашда моддий зиённинг ҳажми, моддий объектларнинг қиймати, мулкӣй фойда олишнинг имкони ва шунга ўхшаш бошқа кўпгина омилларни инобатга олиш зарур. Чунки уларнинг йиғиндиси фуқаро ёки давлат ёхуд жамоанинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига етказилган зарарнинг жиддийлигидан гувоҳлик беради. Зарарнинг жиддийлиги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш ҳамда давлат ҳокимияти тегишли идораларнинг нуфузи ва ишончининг пасайиш даражаси билан аниқланиши мумкин. Етказилган зарарнинг жиддийлиги давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятидаги бошбошдоқликда, шунингдек шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Фуқаролар, давлат ва жамиятнинг ҳимоя қилинаётган манфаатларига етказилган зарарни жиддий зиён деб эътироф этиш тўғрисидаги масала муайян ишнинг барча ҳолатларини инобатга олган ҳолда тергов органлари ва суд томонидан ҳал қилинади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти моддий таркибли бўлганлиги учун ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган

манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Бунда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва оқибат ўртасидаги сабабий алоқадорликни аниқлаш лозим.

Субъектив томондан мазкур жиноят айбнинг қасд шаклида ифодаланади. Жиноятнинг мотив ва мақсадлари турлича бўлиши мумкин (масалан, ғаразли манфаатдорлик, шуҳратпарастлик, қасд олиш, ғаразгўйлик, ишнинг ҳақиқий ҳолатини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилиш ва ҳ.к.), бироқ улар жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятининг субъекти 18 ёшга тўлган мансабдор шахслар ҳисобланади. «Мансабдор шахс» тушунчаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг саккизинчи бўлими (атамаларнинг ҳуқуқий маъноси)да берилган бўлиб, унга кўра, мансабдор шахс деганда, доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунилади.

Ҳокимият вакили деганда, давлатнинг бирон бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни вақтинча ёки доимий амалга оширувчи ва ўз ваколати доирасида кўпчилик ёки барча фуқаролар ёхуд мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатлар содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга шахс тушунилади.

Ташкилий-бошқарув вазифалари деганда, бир шахснинг иккинчи шахсга бўйсунуви соҳасида амалга оширилувчи ваколатлар, яъни бошлиқ ва бўйсунувчи ўртасидаги хизмат муносабатлари жараёнида амалга оширилади. Бундай вазифаларга, жамоага раҳбарлик қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, тобе шахслар меҳнати ва хизматини ташкил этиш ва назорат қилиш, интизомни таъминлаш, ходимларни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларни қўллаш кабиларни киритиш мумкин.

Маъмурий хўжалик вазифалари деганда, мулкни бошқариш ва тасарруф этиш, уни сақлаш шартлари ва тартибини белгилаш, мулкнинг сақланишини, сотилишини таъминлаш сингари вазифалар тушунилади. Бундай вазифаларга, балансда ва банкдаги ҳисобларда бўлган мулклар ва пул маблағларини бошқариш ва тасарруф этиш, шунингдек бошқа ҳаракатларни: ойлик иш ҳақи ва мукофотларни белгилаш юзасидан қарор қабул қилиш, моддий қимматликлар ҳаракати устидан назорат олиб бориш, уларни сақлаш тартибини белгилаш ва ҳоказоларни амалга оширишни киритиш мумкин.

Юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни бажариш деганда, ваколатли шахс (масалан, давлат нотариуси, ФХДЁ мудири, кадастр раҳбари) томонидан юридик аҳамиятга эга оқибатлар (ҳуқуқий муносабатлар вужудга келиши, ўзгариши ёки тугаши)ни келтириб чиқарадиган ёки келтириб чиқариши

мумкин бўлган қарорлар қабул қилиниши тушунилади. Шу ўринда, мансабдор шахс мазкур ваколатларни доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича амалга ошираётганлиги аҳамиятга эга бўлмайди.

Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳаракатлари:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш Жиноят кодекси 205-моддаси иккинчи қисмининг тегишли бандлари билан квалификация қилинади.

Жуда кўп миқдордаги зарар деганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан кўп миқдордаги зарар тушунилади.

Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш Жиноят кодекси 205-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди билан квалификация қилинади. Жиноят кодекси 29-моддасининг тўртинчи қисмига биноан уюшган гуруҳ деб икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши тушунилади.

Қилмишни Жиноят кодекси 205-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди билан квалификация қилишда мансабдор шахс уюшган жиноий гуруҳ манфаатларини кўзлаб ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганлигини аниқлаш керак. Бунда мансабдор шахс уюшган гуруҳ унинг жиноий ҳаракатидан манфаатдорлигини била туриб ҳаракат қилади. Агар мансабдор шахс мансаб ваколатини суиистеъмол қилаётганидан уюшган гуруҳ манфаатдорлигини билмаган ва билиши ҳам мумкин бўлмаган бўлса, бу ҳолда унинг ҳаракатларини уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган деб баҳолаб бўлмайди.

INNOVATIVE
ACADEMY